



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 27 февраль, № 42 (8665)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимиз стандартлаштириш соҳасини ислоҳ қилиш ва замонавий ёндашувларни жорий қилиш мақсадида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ташкил этилган эди. Сўнгги йилларда 12 мингта стандарт қабул қилинди, 400 турдаги махсулотларни синовдан ўтказиш йўлга қўйилди. Натижада 40 та янги экспорт бозорига чиқилди. Шу билан бирга, охириги етти йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2,5 баробарга ошиб, 63 миллиард долларга етди. Бу йил ҳам экспортни 1,5 баробарга кўпайтириб, 25 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, истиқболда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мақсад қилинган. Шундан келиб чиқиб, амалдаги техник тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг экспортга кўмаклашиш ва ички бозорни сифатсиз товарлардан ҳимоя қилишдаги иштирокини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Миллий сертификатлар чет элда

тан олиниши учун тизимли ишлаш, Миллий эталонлар базасини тўлдирish орқали хорижда мамлакатимиз лабораторияларининг синов натижаларига ишончни ошириш, ҳозирги кунда энг зарур бўлган техник регламентларнинг мавжудларини халқаро талабларга мослаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш зарур. Стандартлаштириш соҳасидаги 6 та ахборот тизими ва 2 та портални ўзаро интеграция қилиш, вазирлик ва идораларнинг стандарт соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш, соҳавий техник кўмиталар фаолиятини жонлантириш керак. Тақдимотда соҳа олдидан турган вазибаларни ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғридан-тўғри Хукумат бўйсунувиغا ўтказилиши белгиланди. Экспортчиларга кўмакчи бўлиб, миллий сертификатлар хорижий давлатларда тан олиниши бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш, сифатсиз

махсулотлар импортининг олдини олиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битим талабларини амалиётга жорий этиш агентлигининг асосий вазифаларни сифатида белгиланади. Шунингдек, агентлик соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва уларнинг маънавиятини оширишга бевосита масъул бўлади, аҳоли ва тадбиркорлар билан ишлашда шаффофликни таъминлаш учун соҳани тўлиқ рақамлаштирилади. Жорий йилда ривожланган давлатлар билан синов натижаларини икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш ишларини давом эттириб, 1,2 мингта корхонада халқаро сифат тизимларини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, техник регламентлар билан қамраб олинган махсулотлар турини кўпайтириш, амалдаги 19 та техник регламентни қайта кўриб чиқиш ва янгиллаш, эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини жо-

рий қилиш ишларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Жаҳон савдо ташкилоти билан самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида агентлик тузилмасида Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот марказини ишга тушириш таклиф қилинди. Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида хорижий консултантларни жалб қилиш ва тармоқларда стандартга масъул кадрларни ўқитиш кераклиги айтилди. Соҳани рақамлаштириш мақсадида "Техник тартибга солиш" ягона электрон ахборот тизими ишга туширилиши белгиланди. Давлатимиз раҳбари ушбу таклифларни маъқуллаб, жойларга чиқиб, тадбиркорлар билан учрашиш, уларнинг стандарт соҳасидаги муаммо ва таклифларини ўрганиш муҳимлигини таъкидлади ҳамда мутасаддиларга қайси стандартларни ишлаб чиқиш ёки қаерда лабораториялар ташкил қилишга оид аниқ режаларни белгилаб, ижросини таъминлаш бўйича топширик берди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚУТЛУГ ЁШИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАДИ

26 февраль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғани қутлуг 70 ёшга тўлгани билан дилдан қутлади.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, биродар турк халқи ва давлатининг равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади. Замонавий Туркиянинг барпо этилишида, глобал майдондаги нуфузи юксалишида, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлариди бугунги юқори даражага эришилшида Президент Режеп Таййип Эрдоғанининг ўрни ва ҳиссаси алоҳида қайд этилди. Барча даражаларда фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик суръати ошиб бораётгани катта маънавият билан таъкидланди. Ўтган йил якунида қўшма корхона ва лойиҳалар сони сезиларли даражада — 365 тага

ортди. Туркиянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан инвестициялар портфели кенгайди. Икки мамлакат ўртасидаги тўғридан-тўғри авиақатновлар ҳам, тегишли равишда ўзаро сайёҳлар оқими ҳам кўпайди. Давлат раҳбарлари олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибини пухта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон — Туркия Хукуматлараро комиссияси доирасида олиб борилаётган ишларни қучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Минтақавий, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

20 февраль куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазибалар ижтимоий ҳимоя соҳасини янада ривожлантириб, аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариши билан муҳим аҳамиятга эга.



Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонда инсон шаънини улуғлаш, халқ манфаатлари устуворлигини таъминлаш олий кадрият даражасига кўтарилди. Юртимизда ҳар бир инсон учун миллати, тили, дини ва ижтимоий макеидан қатъи назар, муносиб ва фаровон ҳаётни яратиш йўлида эришилаётган ютуқлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайти-

риш, ногиронлиги бор ва ночор аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс вазибалар ижроси ўз натижаларини бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилди. "Ижтимоий ҳимоя реестри" орқали 2 млн. 300 минг муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатилаётгани яна бир диққатга молик жиҳатдир.

ЎзА.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

26 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилиш йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан ахборот берилди.

Мудофаа вазирининг қўйилган вазибалар бажарилиши ва қўшинларнинг жанговар шайлигини ҳамда қобилиятини ошириш, уларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш, сержантлар корпусининг фаолиятини такомиллаштириш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида хисоботи тингланди. Хусусан, қисқа вақт ичида қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш ва ҳарбий хизматчи-

ларни тайёрлаш, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларда интизомни мустаҳкамлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Қўшинлар фаолиятини рақамлаштириш вазибаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшинларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда алоқа тизимини такомиллаштириш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар қайд этилди.

Қуроли Кучлар тузилмасини такомиллаштириш, миллий армияни замонавий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий-техник воситалар билан таъминлаш ҳамда мудофаа саноати комплексини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Яқунда давлатимиз раҳбари томонидан Қуроли Кучлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш юзасидан қўшимча топшириқлар берилди.

ЎзА.

Мулоқот

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ОМБУДСМАНЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Куни кеча Сенат Раиси Танзила Норбоева Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Венгрия, Италия, Туркия, Қирғизистон, Марокко, Муғулистон омбудсманлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда инсон ҳуқуқлари халқаро мажбуриятлар бажарилиши таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида муносабатлар, узаро таъриба алмашиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Омбудсмани дунёдаги 50 га яқин давлатлар, шу жумладан, Америка, Европа, Осиё, МДХ давлатларининг омбудсманлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

ЎзА.

ҚИСКА САТРАЛАРДА

Халқаро форматдаги таҳлил

Пойтахтимизда "Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашишдаги ютуқлари: таҳлил ва хулосалар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан Жаҳон банки, БМТнинг Ўзбекистондаги Тарақиёт дастури, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар самараси муҳокама қилинди.

Осиё чемпионатидан 13 та медаль

Шу йилнинг 16 — 25 февраль кунлари Бахрайн пойтахти Манама шаҳрида қилинган бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Маъмур қитъа чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 5 та олтин, 1 та кумуш ва 7 та бронза, жами 13 та медалга сазовор бўлди. Ёшлар ўртасида ўтказилган баҳсларда 3 та олтин ва 5 та бронза медаль жамғарган қилч-бозларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Ўсмирларимиз эса 2 тадан олтин ва бронза ҳамда 1 та кумуш медаль билан умумжамоа ҳисобида тўртинчи поғонадан жой олди.

Янги марказда, асосан, ёшлар ишли бўлди

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида дастурий хизматларни экспорт қилувчи ва масофадан туриб IT хизматлари кўрсатувчи марказ фойдаланишга топширилди. Марказда дастурий хизматларни экспорт қилиш ва масофадан туриб IT хизматлари кўрсатиш учун барча қулайлик яратилган бўлиб, бу ерда "UniCall", "Maab Innovation" ва "Moonboys" компаниялари фаолият кўрсатади. Айни вақтда ушбу компанияларнинг Термиз шаҳридаги филиалларида 240 дан ортқ ходимлар, асосан, ёшлар иш билан таъминланган.

«Халқ сўзи».

МАКТАБ ТАҚДИРИ — МАМЛАКАТ ТАҚДИРИ



Қайси юртда билим, илм ва албатта, маънавият кадрларна, барқарор ривожланиш, халқи фаровон ҳаёт кечириши тарихда кўп бор исботланган. Ўзбекистонда ҳам Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тарақиётнинг асосий омилли сифатида таълим тизими, илм-фанни равнақ топтиришга катта эътибор қаратилмоқда, бу йўлда кенг қўламли ишлар, аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Нуқтаи назар

Натижада охириги етти йилда мактабгача таълимда камров 27 фоиздан 74 фоизга етди. Янги мактаблар қурилиб, қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилди. Мирзо Улуғбек ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Хамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Мухаммад Юсуф, Халима Худойбердиева каби улуғ инсонлар номлари билан аталган ижод мактаблари, "Темурбеклар мактаби", Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилди.

ЎзА.

Бугуннинг гапи

ФАРМОНЪБИНИНГ «ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ»



Дунё яралибдики, инсон бир бедаво дард билан аёвсиз курашиб келади. Тиббиётдаги юксак тарақиёт ва оламшумул кашфиётлар ҳам бу касалликка даво тополмай, унинг қаршисида ожизлик қилмоқда. Бу — коррупция, яъни қорин қайғусида нафсининг истагига тобеллик, десак, хато бўлмайди. Уни эса фақат "ҳалоллик вакцинаси" билан даволаш мумкин. "Ҳалоллик вакцинаси" инсон қалбига игна билан эмас, иймон нури орқали ўтиб, унинг виждонини поклайди. Бола туғилганидаёқ унга она сuti орқали "ҳалоллик вакцинаси" сингиб боради. Бу иммунитетни шакллантириш, энг аввало, ота-оналар, қолаверса, халқимизнинг зиёли, маънавиятли қатлами зиммасидаги муҳим вазифа.

ЎзА.

Сирожиiddн ВОҲИДОВ олган сурат.

